



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

2021 йил “14” июль

№ 306

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2021 йил 6 июлдаги
421-сон қарори ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 6 июлдаги 421-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Вазир ўринбосарлари, вазирлик тизимидаги бўлинмалар, ташкилотлар, олий таълим муассасалари, филиаллар ва ҳудудий бошқармалар бошлиқлари “Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 6 июлдаги 421-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси (А.Холиқов):

а) 2022 йил 1 январдан бошлаб қўшма таълим дастурларини экспертизадан ўтказишни жорий этсин ва фақат ижобий экспертиза хулосасига эга бўлган қўшма таълим дастурлари асосида фаолиятини ташкил этишга рухсат бериши бўйича;

б) 2022 йил 1 январга қадар қўшма таълим дастурлари асосида фаолиятини амалга ошираётган олий таълим ташкилотлари томонидан ушбу қўшма таълим дастурларини мазкур талабларига мувофиқлаштирилишини ва экспертизадан ўтказилишини ва ижобий экспертиза хулосасига эга бўлмаган қўшма таълим дастурлари бўйича талабаларни ўқишга қабул қилишни тўхтатиш бўйича тақлиф киритсин.

3. Ахборот хизмати (С.Усмонов) қўшма таълим дастурларига оид зарур маълумотлар, қабул параметрлари ҳамда биринчи ва иккинчи босқичларда кириш имтиҳонларини ўтказиш тартибларини қабул жараёнлари бошланишидан камидан икки ой олдин Вазирлик расмий веб-сайтида эълон қилиш чораларини кўрсин.

4. Олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси (А.Холиқов) Ахборот хизмати (С.Усмонов) билан биргаликда қўшма таълим дастурларининг реестрини шакллантирсин ва вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириб борсин.

5. Ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси (А.Абдуллаев) икки ой муддатда қўшма таълим дастурига тегишли маълумотларни шакллантириш учун “Олий таълим жараёнларини бошқариш - HEMIS” ахборот тизимига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Олий таълим муассасалари ректорлари (директорлари):

қўшма таълим дастурларида ўқитиш олиб бориладиган чет тилидан кириш имтиҳонларини ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан келишиш чораларини кўрсин;

қўшма таълим дастурларига ҳужжат топширишни онлайн шаклда амалга оширилишини ташкил этсин ва имтиҳон натижаларини имтиҳон ўтказилган куннинг кейинги куни олий таълим муассасасининг расмий веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин;

қўшма таълим дастурлари бўйича олий таълим ташкилотларида ўқув жараёнини ташкил этиш учун бакалавриат (специалитет) таълим йўналишлари ва магистратура (клиник ординатура) мутахассисликларининг ўқув режа ва фан дастурлари хорижий ҳамкор олий таълим муассасалари билан биргаликда ишлаб чиқилсин;

қўшма таълим дастурларида таҳсил олаётган талабалар ва битирувчилар тўғрисидаги маълумотларни вазирликнинг “Олий таълим жараёнларини бошқариш - HEMIS” ахборот тизимига доимий киритиб борилишини таъминласин.

7. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази (М.Эсанов):

махсус электрон тизимга киритилган олий таълим муассасалари битирувчиларнинг давлат намунасидаги дипломлар билан таъминлаш мақсадида олий таълим муассасалари ректорлари (директорлари) билан шартнома тузсин ҳамда диплом маълумотлари реестрини юритсин;

икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасининг “Олий маълумот тўғрисидаги бакалавр ва магистр дипломларининг давлат намуналарини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 19 июлдаги 607-сонли қарорга қўшма таълим дастури битирувчиларига бериладиган диплом ва диплом иловалари давлат намуналарини тасдиқлаш тўғрисидаги қўшимча киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Юридик бўлим (Ф.Файзиев) қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

9. Мазкур буйруқ ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



А. Тошқулов